

Бруней ҳукумати туризмни ривожлантириш учун ўқув семинарлари ўтказмоқда



13:30 / 29.05.2021 1255

Брунейда туризмни ривожлантириш департаменти (МПРТ) томонидан Ислон туризмнинг тамойилларини ўргатиш бўйича ташкил этилган семинарда 30 га яқин киши қатнашган. Бу ҳақда borneo bulletin нашри хабар беради.

Бруней ҳукумати туризмни ривожлантириш департаменти билан боғлиқ лицензияли қўлланмалар сешанба кунидан пайшанбагача давом этган семинар давомида Ислон туризмидаги муҳим мавзулар бўйича билимларини кенгайтирдилар.

Ушбу семинар туризмни ривожлантириш департаментининг стратегик режасига мувофиқ, кадрлар тайёрлаш орқали салоҳиятни ошириш

соҳасида ташкил этилди.

Бруней Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган ва унинг иқтисодиёти нефт, ёғоч, каучук ва табиий газ экспортига асосланган.

Сўнгги йилларда нефт бозоридаги тебранишлар туфайли ҳукумат Ислом туризмига сармоя киритди. Бруней аҳолисининг 80% дан ортиғи мусулмонлардир.

Ҳозирда Бруней ҳукумати мамлакатнинг сайёҳлик билимлари ва салоҳиятини ошириш учун ўқув семинарларини ташкил қилмоқда.

Хуршид Маъруф тайёрлади